



# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2019 йил 12 апрель, № 73 (7303)


Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни  
телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 апрель куни Бирлашган Араб Амирликларининг ҳукумат ва келажак ишлари бўйича вазири Мухаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқовий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда бўлиб турган нуфузли делегацияни самимий қутлар экан, Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар изчил ривожланиб бораётганига юксак баҳо берди.

Жорий йил март ойида Абу-Даби ва Дубай шаҳарларида бўлиб ўтган олий даражадаги самарали учрашувлар мамлакатларимиз ўртасидаги шерикликни мустаҳкамлаш ва амалий ҳамкорликни кенгайтиришда янги босқични бошлаб бергани қайд этилди. Ташриф якунида муҳим келишувларга эришилди, жумладан, иқтисодийнинг турли тармоқларида умумий қиймати 10 миллиард доллардан зиёд истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича икки томонлама салмоқли ҳужжатлар тўплами имзоланди. Уларни тўлиқ амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда тегишли “Йўл харитаси” қабул қилинди.

Қабул давомида давлат ташкилотлари, илмий марказлар, етакчи компания ва корхоналар, банк-молия институтлари даражасида фаол мулоқот ва алмашинувларини давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Бирлашган Араб Амирликларининг давлат бошқаруви ва инновацион ривожланиш соҳасидаги

илғор тажрибасини жорий этишда ўзаро ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатларимиз экспертлари ҳамкорлигида устувор йўналишларда ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш юзасидан келишувга эришилди.

Вазир самимий қабул учун давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди ҳамда БАА Президенти Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён, Абу-Даби Амирлиги валяҳди, БАА Куроли Кучлари Олий бош қўмондонни ўринбосари Шайх Мухаммад бин Зоид Ол Наҳаён ва БАА Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Мухаммад бин Рошид Ол Мактумнинг саломини ва эзгу тилакларини етказди.

Мухаммад ал-Қарқовий Ўзбекистонда давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланишлар, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни юксак баҳолаб, Бирлашган Араб Амирликлари раҳбариятининг мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва шериклик муносабатларини изчил ривожлантириш борасидаги интилиши қатъий эканини таъкидлади.

ЎЗА.

## ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ АҚШНИНГ АФҒОНИСТОНДАГИ ЯРАШИШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА МАХСУС ВАКИЛИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 апрель куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Америка Қўшма Штатларининг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Ҳалилзодни қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, очиқ мулоқот ва ўзаро ишончга асосланган кўп қиррали Ўзбекистон — АҚШ ҳамкорлиги жадал ривожланаётганини алоҳида қайд этди.

Турли даражадаги фаол мулоқот, конструктив сиёсий ҳамкорлик, парламентлараро изчил алоқалар, янги қўшма савдо ва инвестиция лойиҳалари, кенгайиб бораётган гуманитар алмашинув — буларнинг барчаси Ўзбекистон ва АҚШ стратегик шериклигида янги давр бошланганидан далолат беради.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга доир, шунингдек, халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар кўриб чиқилди. Афғонистондаги вазиятни ҳал этишда мамлакатларимиз ҳамкорлигининг ҳолати ва истиқболларига баҳо берилди.

Президентимиз Ўзбекистон Афғонистон билан анъанавий яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришга муҳим аҳамият қаратаётгани, ушбу мамлакатда барқарорлик ўрнатилиши ва иқтисодий

қайта тикланишига амалий ҳисса қўйиш тарафдори эканини таъкидлади.

Афғонистонда тинч сиёсий жараёни бошлашда афгон халқининг бош ролини назарда тутган ҳолда, халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини самарали мувофиқлаштириш зарурлиги қайд этилди.

Залмай Ҳалилзод самимий қабул учун Президентимиз Шавкат Мирзиёевга миннатдорлик билдирди ҳамда Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп ва Давлат котиби Майкл Помпеонинг саломини етказди.

Махсус вакил мамлакатимизнинг Афғонистон халқига ҳар томонлама, жумладан, муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш орқали ёрдам беришга қаратилган сиёсатини юксак баҳолади.

АҚШ Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик музокараларига қўллашган босқисдаги конструктив саъй-ҳаракатларини, хусусан, Афғонистон ҳукумати вакиллари иштирокидаги мулоқотнинг навбатдаги

даврасини Самарқанд шаҳрида ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаш таъкидланди.

Бундан ташқари, жорий йилда Тошкент шаҳрида Афғонистон бўйича саккизинчи Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференцияси (RECCA VIII) вазирлар учрашувининг ўтказилиши қўшни давлатларга Афғонистоннинг тинч ривожланишига қўмаклашиш борасидаги ўзаро ҳамкорлик бўйича стратегияни ишлаб чиқиш имконини беради.

Учрашув якунида томонлар Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, минтақада тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш мақсадида Афғонистондаги вазиятни ҳал этиш масалаларида ўзаро ҳамкорликни кенгайтиришга тайёр эканини қайд этдилар.

ЎЗА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти  
Матбуот хизмати суратлари.

## ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 2019 йил 14 апрель куни икки кунлик давлат ташрифи билан мамлакатимизга келади.

Давлат раҳбарлари Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Қозоғистон Президенти лавозимига киришганидан сўнг илк бор учрашадилар.

Тор ва кенгайтирилган таркибда ўтказилиши режалаштирилган музокараларда икки томонлама дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтириш истиқболлари муҳокама қилинади, сиёсат, савдо-иқтисодиёт, инвестициялар, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари кўриб чиқилади.

Президентлар минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро аҳамиятга молик муҳим масалалар юзасидан фикр алмашади.

Давлат раҳбарларининг Қўшма баёноти қабул қилиниши, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали муносабатларини ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар тўплами имзоланиши кўзда тутилган.

Президентлар қўшни қардош мамлакатда муваффақиятли якунига етган Ўзбекистон йилнинг мантқий давоми бўладиган “Ўзбекистонда Қозоғистон йили”нинг расмий очилиш маросимига ҳам иштирок этадилар. Мазкур йил тадбирлари Қозоғистон санъат усталарининг концерти билан бошланади.

ЎЗА.

## «ОЛТИН ОДАМ» НАМОЙИШГА ҚЎЙИЛДИ

“Ўзбекистонда Қозоғистон йили”нинг тантанали очилишига бағишланган “Буюк дашт: тарих ва маданият” номли кўргазма очилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Қозоғистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон давлат санъат музейи, Қозоғистон Республикаси Миллий музейи ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур кўргазмада икки қўшни давлат вакиллари, олимлар иштирок этди.

Кўргазманинг асосий мақсади санъат ва маданият ихлосмандларини Қозоғистоннинг бой тарихи ва маданий мероси билан таништиришдан иборат. Унда Қозоғистон Республикаси рамизи ҳисоб-

ланган “Олтин одам” намойишга қўйилди. 1970 йилларнинг охири 1970 йилларнинг бошида Олмаота шаҳри атрофида археологик қазих ишлари олиб борилган. Иссиқ кўрғонда тадқиқот олиб бораётган Кемал Акишев томонидан сақлар шоҳи “Олтин одам” қолдиқлари топилди. Бу топилма, ўз навбатида, Қозоғистон рамизига айланди. Нобэ топилма “Қозоқ Тутахмонни” деб атала бошланди ҳамда асрнинг йирик кашфиёти, деб тан олинди.



Мухаммад бин Абдуллоҳ ал-ҚАРҚОВИЙ:

## «ЎЗБЕКИСТОН ИСЛОМ ОЛАМИГА КЎП НАРСАЛАРНИ ТАҚДИМ ҚИЛГАН»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 апрель куни Бирлашган Араб Амирликларининг ҳукумат ва келажак ишлари бўйича вазири Мухаммад бин Абдуллоҳ ал-Қарқовий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

**Мухаммад бин Абдуллоҳ ал-ҚАРҚОВИЙ** учрашувдан сўнг ЎЗА муҳбирига интервью берди:

— Аввало, вақт ажратиб, бизни қабул қилгани учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий миннатдорлик билдирамиз.

Бутунги учрашув жуда самарали бўлди. Ўзбекистон ислом олами, дунё илм-фани ривожига кўп нарсаларни тақдим қилган. Жаноб Президент Ўзбекистон келажаги учун катта ишларни амалга оширяпти. Ўтган икки ярим йилда мамлакатингизда бўлаётган бунёдкорлик ва ўзгаришлардан оммавий ахборот воситалари орқали хабардоримиз. Президент Шавкат Мирзиёевнинг яқинда БААга амалга оширган ташрифи мамлакатларимиз муносабатларида тарихий саҳифа очди. Ўзаро ҳам-

корлик ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик янада мустаҳкамланишидан манфаатдоримиз.

10-11 апрель кунлари Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари ҳукуматлари делегациялари ўртасида йўналиш бўлиб ўтди. Унда турли соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича фикр алмашиб олдик.

Асосий мақсадимиз — ҳукуматлараро алоқаларни янада ривожлантириш. Бирлашган Араб Амирликларининг давлат бошқаруви тизимида эришган ютуқларини Ўзбекистонда татбиқ этишга қўмаклашиш ниятидамиз.

ЎЗА муҳбири  
**З. ЖОНИБЕКОВ**  
ёзиб олди.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## 2019 – 2021 йилларда РЕСПУБЛИКАНИНГ ФАРМАЦЕВТИКА ТАРМОҒИНИ ЯНАДА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Кейинги йилларда республикада аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника (кейинги ўринларда — фармацевтика маҳсулотлари) билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди, маҳаллий фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун кулай шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш қувватлари етарли даражада эмаслиги ҳамда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг тор асортименти ички бозор эҳтиёжларини қондираолмагани ва импортга ҳаддан ташқари богланиб қолмишга сабаб бўлмоқда.

Маҳаллий корхоналарда халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича ишларнинг суств ташкиллаштирилиши ташқи бозорларда рақобатбардош фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятларини ва тармоқнинг экспорт салоҳиятини чекламоқда.

Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш, хорижий инвестицияларни ҳамда етакчи хорижий компанияларни инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилиш, инновацион фармацевтика маҳсулотларини яратишни

рағбатлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг “O’zmedimpeks” давлат унитар корхонасини ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва уларнинг улғуржи савдоси устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш бўйича функцияларини бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

(Давоми 2-бетда).



Залмай ҲАЛИЛЗОД:

## «АФҒОНИСТОНДА БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БУТУН JAХОН ҲАМЖАМИЯТИ УЧУН МУҲИМ»

АҚШнинг Афғонистондаги ярашиш масалалари бўйича махсус вакили Залмай Ҳалилзод Афғонистонда тинчлик ўрнатишга оид долзарб жараёнлар хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Аввало, Ўзбекистонга яна келганим ва Президент Шавкат Мирзиёев билан Афғонистонда барқарорликни таъминлаш масалалари юзасидан музокара ўтказганимдан гоят мамнунман. Бутунги кунда Афғонистонда тинчлик ўрнатиш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ушбу мамлакатни тиклаш бўйича ҳукуматлараро ва Толибонлар вакиллари билан бир қатор учрашувлар ўтказилди. Ушбу мулоқотларда Афғонистон бундан буён АҚШ ва бошқа давлатларга таҳдид соладиган халқаро терроризмга замин бўлишига йўл қўймайлик борасида самарали мулоқотлар олиб борилди. Энг асосийси, музокаралар афгонларнинг ўзи иштирокида ўтказилмоқда.

Апрель ойида Доҳада ўтказилган учрашув ҳам Афғонистонда тинчликка эришишда навбатдаги муҳим қадам бўлади. Ушбу юртда тинч сиёсий жараёни бошлашда Афғонистон ҳукумати ва Толибонлар билан бирга янги Афғонистон вакиллари деб аталаётган ёшлар ва хотин-қизлар ҳам иштирок этади.

Ўзбекистон қўшни мамлакатда тинчлик ўрнатиш масаласида фаол ташаббусларни илгари сурмоқда. Жумладан, Доха учрашувидан сўнг Самарқандда ўтказилиши кутилаётган навбатдаги музокара шундан далолатдир.

Биз Президент билан афгон диёрда вазиятни барқарорлаштириш ва иқтисодиётни қайта тиклашда халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини

самарали мувофиқлаштириш масалалари бўйича ҳам фикр алмашдик.

Афғонистонда барқарорликни таъминлаш нафақат минтақа, балки бутун жаҳон ҳамжамияти учун жуда муҳим. Чунки уруш ҳаракатларининг тўхтатилиши халқаро терроризм ва экстремизмнинг олдини олишга, Афғон диёрининг бошқа мамлакатлар учун ўз эшикларини очилишга замин яратди. Бу, ўз навбатида, минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, Марказий Осиёни Жанубий Осиё мамлакатларига интеграциялаштиришда янги имкониятлар очди.

ЎЗА муҳбири  
**М. ЭЛМУРОДОВ**  
ёзиб олди.

Германия жамоатчилиги:

## «Ўзбекистонда исломшўносликка кенг йўл очилгани ва давлатингиз томонидан бу йўналишда марказлар ташкил этилишини юксак баҳолаймиз»

Ўзбекистон билан Германияни 5000 километрлик масофа ажратиб турган бўлса-да, икки халқнинг тинч ва фаровон ҳаётга интилиши, тараққиётга хизмат қиладиган муштарак гоъялари, меҳнаткаш ва олижаноб инсонлари ҳар қанча олис масофаларни ақин қилишга, бир қарашда мураккабдек туюлган вазифаларни ҳал этишга қодир. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил январь ойида Германияга амалга оширган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ишончли алоқаларни янада мустаҳкамлаб, уларни янги босқичга олиб чиқди.

## Биз ва жаҳон

Айни пайтда Ўзбекистондаги Ислам цивилизацияси маркази ва Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказининг исломшўнос, шарқшўнос олимларидан иборат делегация Германия пой-

тахти Берлин шаҳрида қўнча қитъанинг нуфузли университетлари, илмий марказлари, музей ва кўлбза фондларида учрашув ҳамда мулоқотлар ўтказмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
Ф А Р М О Н И

2019 – 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

◀ (Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун аввал берилган лицензиялар амал қилиш мuddати тугагунга қадар амалда бўлади.

2. Агентликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

**фармацевтика тармоғини**, жумладан, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш йўли билан **барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш**;

**фармацевтика бозори конъюнктурасини ўрганишни ташкиллаштириш**, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг фармацевтика маҳсулотлари билан таъминланганлик ҳолатини тизимли таҳлил қилиш ва унинг асосида ички бозорни янада тўлдириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

**тармок корхоналарига етакчи хорижий фармацевтика корхоналари билан ҳамкорлиқни йўлга қўйишда**, фармацевтика маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош, юқори сифатли янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда **қўмаклашиш**;

**фармацевтика тармоғини**, шу жумладан, фармацевтика маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, шунингдек, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш (дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш бундан мустасно) йўли билан **давлат томонидан бошқариш**;

фармацевтика тармоғига **илгор хорижий амалиёт ва халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш**;

импорт қилинаётган ва республика ҳудудида ишлаб чиқарилаётган фармацевтика маҳсулотлари тўғрисида тўлиқ ахборот йиғишни таъминловчи **Фармацевтика маҳсулотлари ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ахборот тизимини жорий қилишда иштирок этиш**.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

импорт қилишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 211-моддаси 6-бандида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёз жорий этилмайдиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари рўйхати Агентлик томонидан шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади. Бунда мазкур рўйхатга киритилган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари номлари тайёр маҳсулотга ҳам, “in bulk” маҳсулот шаклида импорт қилинадиган дори воситалари ва тиббиёт буюмларига ҳам жорий этилади;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларини саноатда ишлаб чиқариш ва дорихонада тайёрлаш учун мўлжалланган, импорт қилишда қўшилган қиймат солигидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхати Агентлик томонидан белгиланган тартибда шакллантирилади ва тасдиқланади, шунингдек, бир йилда камидо икки марта янгилаб борилиши ва Агентлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилиши шарт;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси дори воситалари ва тиббиёт буюмлари миллий ишлаб чиқарувчиларига тижорат банклари кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача, аммо 10 миллиард сумдан ошмайдиган миқдордаги маблағга кафилиқ беради; “in bulk” маҳсулоти асосида ишлаб чиқариладиган дори препаратлари ва (ёки) тиббиёт буюмларини давлат рўйхатидан ўтказиш мuddатини узайтириш, шунингдек, уларни қайта давлат рўйхатидан ўтказиш мазкур аналогик миллий маҳсулотни ички бозор эҳтиёжини таъминлайдиган ҳаҳмида ишлаб чиқарувчи бўлганлар тақдирда амалга оширилади;

2019 йил 1 июлдан 2020 йил 31 декабрга қадар, синов тарикасида, дори препаратлари ва тиббиёт буюмларини давлат томонидан харид қилишни амалга оширишда икки ва ундан ортиқ иштирокчилар — аналогик маҳсулотни (халқаро патентланмаган номи бўйича) миллий ишлаб чиқарувчиларни мавжуд бўлган тақдирда давлат буюртмачиси импорт дори препаратлари ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш таклифи мавжуд барча буюртмаларни рад этади;

2019 йил 1 июлдан бошлаб импорт дори воситалари (дори

субстанциялари бундан мустасно) ва тиббиёт буюмларини “эркин муомалага чиқариш (импорт)” божхона режимига расмийлаштиришда божхона қийматининг 1,2 фоизи миқдоридо божхона расмийлаштируви учун йиғим ундирилади.

4. Белгилансинки, 2022 йилнинг 1 январига қадар:

**фармацевтика маҳсулотларининг клиниколди тадқиқотларини амалга оширувчи барча лабораториялар Зарур лаборатория амалиёти (GLP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим**;

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг клиник тадқиқотлар ўтказувчи барча клиник базалари Зарур клиника амалиёти (GCP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим**;

**фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи барча маҳаллий корхоналар Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим**;

**фармацевтика маҳсулотларини улгуржи сотиш билан шуғулланувчи барча маҳаллий корхоналар Зарур дистрибуторлик амалиёти (GDP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши зарур**.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар фармацевтика тармоғи ва республика соғлиқни сақлаш тизимига зарур амалиётлар (GxP) талабларини жорий этиш тармок жадалини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. **2019 — 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”** (кейинги ўринларда — “Йўл харитаси”) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирлик ва идораларнинг раҳбарларига “Йўл харитаси”да кўзда тутилган чора-тадбирлари ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Қуйидагилар “Йўл харитаси”да кўзда тутилган объектлари куриш ва реконструкция қилиш, илмий-тадқиқот ва синов лабораторияларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

2019 йилда — Агентлиқа Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ижро этувчи дирекцияси томонидан тақдим этилган буюртманомалар асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ажратиладиган Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2019 йил 1 январь ҳолатига мавжуд валюта маблағлари қолдиги;

2020 — 2023 йилларда — Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини тегишли йил учун амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, лаборатория ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини харид қилиш учун эса Инновацион ривожланиш ва новаторлик гоғларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ўзлаштирилмаган маблағлари, улар етишмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари.

7. Агентлик қошида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда,

**Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси** (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин ва қуйидагилар уни шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

импорт дори воситалари (дори субстанциялари бундан мустасно) ва тиббиёт буюмларини “эркин муомалага чиқариш (импорт)” божхона режимига расмийлаштиришда божхона расмийлаштируви учун йиғимнинг 1,0 фоизи;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган эквиваленти 25 миллион АҚШ долларигади миллий валютатадгаи маблағлар;

халқаро молиявий институтлар ҳамда бошқа хорижий донорлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадларга ишлатилади:

фармацевтика маҳсулотларининг янги турларини яратиш бўйича илмий ишланмаларни ташкиллаштириш учун Агентлик қошидаги илмий-тадқиқот институтлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга грантлар тақдим этиш;

Агентлик қошидаги илмий-тадқиқот институтлари ва фармацевтика маҳсулотларининг сифат назоратини амалга оширувчи давлат лабораторияларини зарур асбоб-ускуна ва техника билан жиҳозлаш;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган фармацевтика маҳсулотлари янги турларининг клиниколди ва клиник тадқиқотларини маҳаллий муассасаларда ўтказиш учун маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг сарф-харажатларини энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдоридо қоплаш;

маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг фармацевтика маҳсулотларини хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказиш харажатларининг 50 фоизини, улар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан сўнг қоплаш;

маҳаллий фармацевтика маҳсулотларини илгари суриш бўйича, шу жумладан, хорижда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркалар ташкил қилиш, семинарлар ўтказиш, тақдимот материаллари, кўргазма стендларини тайёрлаш, Агентлик ва унга идоровий мансуб ташкилотлар мутахассисларининг мазкур тадбирларда иштирок этиши;

Агентликнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, унинг ишчилари ва жалб этиладиган мутахассисларни моддий рағбатлантириш, шунингдек, Агентлик ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан мамлакатимизда аввал ишлаб чиқарилмаган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган эквиваленти 1 миллион АҚШ долларидан ошмаган кредитларнинг фоизлар бўйича харажатларини икки йил мобайнида қоплаш;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган Агентлик фаолияти билан боғлиқ бошқа чора-тадбирлар.

Белгилансинки, Жамғармарнинг харажатлар сметаси Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бир ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги “Озик-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК–2718-сонли қарорига мувофиқ очилган кредит линияси маблағлари ҳисобидан тегишнча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ва Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасига 25 миллион АҚШ долларидан ажратсин.

10. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, иختисослашган илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ҳамда фармацевтика маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи корхоналар томонидан аптека ичида дори тайёрлаш мақсадида олиб қириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган технология ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, фармацевтика ишлаб чиқариш бинолари учун “тоза хоналар”, сэндвич-панеллар ва вентиляция тизимлари, шунингдек, лаборатория ҳайвонларини боқиш, клиниколди тадқиқотлар ва дори воситалари ишлаб чиқариш (шу жумладан, аптека ичида тайёрлаш) учун ишлатиладиган хом ашё ва материаллар, тиббиёт буюмлари ва қадоклаш материаллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича 2022 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

11. **2019 — 2021 йилларда республика ҳудудида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тавсия этилган дори воситалари гуруҳлари рўйхати** (кейинги ўринларда — Рўйхат) 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Агентлик **2019 йил 1 августга қадар**:

Рўйхатга киритилган импорт қилинадиган дори воситалари гуруҳларини маҳаллийлаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг рўйхатини уларни амалга оширишнинг аниқ мuddатлари, молиялаштириш манбалари ва ташаббускорларини белгиланган ҳолда шакллантирсин;

Рўйхатга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни, шу жумладан, Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси иштирокида жалб қилиш ва зарур бўлганда, фармацевтика эркин иқтисодий зоналарда жойлаштириш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э. М. Фаниев ва А. А. Абдуҳақимов манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда:

республикада талаб юқори бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун барқарор обрўга эга етакчи фармацевтика компанияларини;

фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини узоқ мuddатли молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг узоқ мuddатли имтиёзли кредит линияларини жалб қилиш бўйича таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 1 июнга қадар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомлار, шунингдек, Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ташкилий-штат тузилмаси ушбу Фармон билан белгиланган вазифаларни инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқилишни таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низоми тасдиқласин; Фармацевтика тармоғини ривожлантиришнинг аниқ кўрсаткичлари ва мақсадли индикаторларига эришишга асосланган бутунлай янгича баҳолаш тизимини жорий этишни кўзда тутган ҳолда Агентлик фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонлари тасдиқлансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги асосланган ҳисоб-китобларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетте параметрлари доирасида 2019 йилда мазкур Фармонни амалга ошириш доирасида Агентлик харажатлари учун маблағлар ажратсин ҳамда 2020 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини кўзда тутсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Агентликнинг маъмурий биносини таъмирлаш даврида Агентлиқни давлат тасарруфидаги бўш турган объектларга вақтинчалик жойлаштиришга қўмаклашсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Агентлик билан биргаликда уч ой мuddатда республикада фармацевтика тармоғи мутахассисларини тайёрлаш бўйича етакчи хорижий олий ўқув юрти филиалини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Агентлик ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Агентликнинг расмий сайтларида 2017-2018 йилларда ва кейинги йилларда фармацевтика маҳсулотларининг давлат харидлари тўғрисидаги маълумотни органлар, ташкилотлар, маҳсулотларнинг номланиши ва натурда ифодаланган ҳажмлари кесимида жойлаштирилишини таъминласин;

икки ой мuddатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча клиник базаларида клиник тадқиқотлар ўтказиш жараёнини ташкил этишнинг шаффоф механизмини, шунингдек, кўрсатиладиган хизматлар нархини белгилаш ва клиник тадқиқотлар ўтказишнинг ҳар бир босқичида томонларнинг жавобгарлик доирасини назарда тутувчи тартибни тасдиқласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Агентлик ва бошқа идоралар билан биргаликда икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиغان ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. А. Абдуҳақимов, Э. М. Фаниев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари Г. К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 10 апрель

Германия жамоатчилиги:

«Ўзбекистонда исломшўносликка кенг йўл очилгани ва давлатингиз томонидан бу йўналишда марказлар ташкил этилишини юксак баҳолаймиз»

◀1 Мамлакатимизнинг ГФРдаги элчихонаси томонидан ташкил этилган сафардан қўзланган мақсад — икки мамлакатнинг исломшўносликка иختисослаштирилган таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари ўртасида ўзаро манфаатли алоқаларни йўлга қўйиш, буюк аллома аждодларимизнинг Германияда сақланаётган нодир асарларини ўрганиш, ҳамкорликда конференциялар, илмий семинарлар ташкил этишдан иборат.

Берлин эркин университетининг Ислом тадқиқотлари институтида ўтказилган учрашув ўзбекистонлик ва германиялик исломшўнос олимлар ҳамкорлигига тамал тошини қўйди.

Таъкидлаш лозимки, Берлин эркин университети Германиянинг энг нуфузли тўртта олий ўқув юртидан бири ҳисобланади. Бу ерда 35 мингга яқин талабалар ижтимоий-гуманитар ва табиий фанлардан таҳ-

**Гудрун КРЭМЕР,**  
**Берлин эркин университети**  
**Ислом тадқиқотлари институти директори:**



— Мен, асосан, Яқин Шарқ, хусусан, араб дунёсида замонавий ислом мавзюида изланишлар олиб бораман. Ўзбекистон делегациясининг университетимизга таширифидан жуда хурсандман. Мазкур учрашувда мамлакатингиз мутахассислари билан ҳамкорлиқни йўлга қўйиш борасида ўзаро фикр алмашиқ. Дарҳақиқат, Германияда Ўзбекистон учун муҳим аҳамиятга эга қўллаб қўлғезмалар мавжуд. Биз уларни биргаликда ўрганиш борасидаги илмий ҳамкорлик бўйича маслаҳатлашдик.

Ҳамкорлиқнинг яна бир йўналиши сифатида талабалар ва ёш олимлар учун махсус ўқув курслари ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Мен Ўзбекистонга кўп маротаба саёҳат қилиш бахтига муассас бўлганман. Хусусан, 2000 — 2006 йиллар оралигида Самарқанд ва бошқа шаҳарларда ўтказилган халқаро анжуманларда иштирок этганман. Сафарларим давомидо мамлакатингиз билан яқиндан танишиб, ўзбек халқининг маданий-маърифий мероси ва урф-одатлари ҳақида кўп маълумотга эга бўлдим. Ўзбекистон исломшўнослари билан яқин алоқа ўрнатиш ва илмий ҳамкорлиқни йўлга қўйишдан жуда мамнунман.

сил олади. Мамлакат шухрати, обрў-эътиборини оширган Герхард Эртль, Герта Мюллер, Райнхард Зелтен сингари Нобель мукофоти совриндорлари, қўллаб таниқи олимлар, давлат ва жамоат арбоблари мазкур университетнинг ўқитувчи ва талабаларидир.

Германиялик мутахассислар Ўзбекистон тараққиётининг янги босқучида халқумизнинг кўп асрлик диний қадриятлари, бой илмий меросини асраш, тадқиқ этиш ва кенг жамоатчиликка етказиш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолади.

“Ислом илмлари ривожида, айниқса, ҳадисшўносликнинг шаклланиши ва мукаммал фанга айланишида, ҳеч шубҳасиз, Марказий Осиё улаомларининг ўрни бекиёс. Ўзбекистоннинг бой маданий мероси, бу ерда сақланаётган қадимий қўлғезмалар дунёнинг турли чеккаларидан шарқшўнос олимларни ўзига қорлайди”, дейди исломшўнослик

**Конрад ХИРШЛЕР,**  
**Берлин эркин университети**  
**исломшўнослик бўйича профессори,**  
**Муслулмон жамиятлари ва**  
**маданиятлари Берлин Олий**  
**мактаби директори:**



— Ўзбекистон делегациясининг Берлинга таширифи самарали бўлди, деб ўйлайман. Бугунги кунда мамлакатингизда исломшўнослик марказларининг ташкил этилгани ва соҳани ривожлантириш борасида давлатингиз томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар тахсинга сазовор. Ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар кўлами мени жуда ҳайратлантирди ва ўзаро ҳамкорликка бўлган қизиқишми янада ошди. Тарихий қўлғезмаларни ўрганиш борасидаги ҳамкорлиқни катта истиқболга эга, деб ҳисоблайман. Келажакда мазкур йўналишда ўзбек олимлари билан кенг қўламли тадқиқот ишлари олиб борамиз, деб умид қиламан.

фанлари доктори, профессор Конрад Хиршлер. Мулоқотда дунёнинг турли чеккаларида дин ниқо-би остида содир этилаётган ноҳуш ҳолатлар, муросасизлик ва жаҳолатга қарши туришда Ўзбекистонда амалга оширилаётган янги лойиҳалар — Ислом цивилизацияи маркази, Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказининг ўрни ва аҳамияти юқори экани қайд этилди.

Берлин эркин университетининг Ислом тадқиқотлари институти билан ўқитувчи ва тадқиқотчи-лар алмашинувини йўлга қўйиш, германиялик исломшўнос олимларни Ўзбекистонга жалб этиш, ўқувлар ташкил қилиш, махсус PhD дастурларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Ўтказилган учрашувлар доирасида немис шарқшўнос олимлари Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияи маркази ва Имом Бухорий номидаги

**Улрике ФРАЙТАГ,**  
**Замонавий шарқшўнослик**  
**маркази директори, профессор:**



— Ўзбекистонда исломшўносликка кенг йўл очилгани ва давлатингиз томонидан бу йўналишда марказлар ташкил

этилишини ижобий баҳолаймиз. Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияи маркази ва Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази вакилларининг Германиядаги тегишли илмий-тадқиқот марказлари ҳамда олий ўқув юртлари билан ҳамкорлиги бизни жуда қуввонтиради. Биз ислом маданиятининг тарихий илдиизларни ўрганиш ва ислом динида баргикенгиллик мавзюида биргаликда илмий тадқиқотлар олиб боришдан манфаатдормиз.

халқаро илмий-тадқиқот маркази билан ўзаро ҳамкорлик истиқболлари тўғрисида мулоқот қилдилар.

Шунингдек, делегация аъзолари Лейбницдаги замонавий шарқшўнослик марказида ҳам бўлиб, германиялик ҳамкасбларига Ўзбекистонда кечаётган ижобий ўзгаришлар, турли конфессияга мансуб фуқароларга эътиқод эркинлигини тўлиқ қафоллаш, ўзароини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис қилиб яшаш, ибодатларини эмин-эркин адо этишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот беришди. Дунёнинг айрим мамлакатларида турли конфессияларга мансублик ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарувчи салбий омил сифатида қараётган бир вақтда кўп миллатлилик Ўзбекистоннинг чинакам бойлиги экани, халқнинг яратувчиллик куч-қудратини оширадиган муҳим мезонлиги қайд этилди.



## Тараддуд

## Маҳалла раиси фидойи ва ташаббускор бўлиши керак

Маҳалла оқсоқоли ташаббускор, элга қайишадиган инсон бўлса, бундан бутун жамиятга катта наф тегади, десак, айти ҳақиқат. Зеро, республикамиздаги мавжуд 9 мингдан зиёд фуқаролар йиғинлари раисларининг барчаси ана шундай фаилатларга эга бўлса, ҳудудлардаги муаммоларнинг аксарияти жойларнинг ўзида ҳал этилади.

Бу пировардида мамлакат тараққиётига қандай куч бағишлашни тасаввур қилиш қийин эмас.

Айни жихатдан жорий йил май ойида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари сайловининг аҳамияти катта. Мамлакатимизнинг барча ҳудудида бунга қизгин тайёргарлик кўришмоқда.

Хусусан, Фарғона вилояти-нинг 19 та шаҳар ва туманида Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ҳамда ишчи гуруҳлари тузилган бўлиб, улар томонидан аҳоли орасида бу галги сайловнинг ўзига хос жихатлари ҳамда уни оқш-

ошқора ва адолатли ўтказиш юзасидан кўрилган чоратadbирлар кенг тушунтирилмоқда.

Худудимиз бўйича 1034 та маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайлов ўтказилади, — дейди Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Шарифжон Юлдашев. — 2 миллион 345 минг 529 нафар сайлов ёшига етган аҳоли рўйхати шакллантирилди. Сайловлар ўтказилиши белгиланган объектлар овоз бериш кабинетлари ва кутилар билан таъминланмоқда.

\* \* \*

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Жиззах вилояти комиссиясининг аҳоли билан навбатдаги мулоқоти Фориш туманида кечди.

— Бундай тadbирлар давомида “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз, — дейди вилоят адлия бошқармаси бошлиги, комиссия аъзоси

Шокир Саидов. — Сайловларда ҳаққонийликни таъминлаш, ўз маҳалласи, халқи учун жон куйдирадиган, уларнинг дardини ўз дардидек қабул қиладиган номзодлар сайланишини таъминлашни олдимизга вазифа қилиб қўйганмиз.

Тadbбирда тумanning “Янгикишлоқ”, “Қорабдал”, “Гараша”, “Учқулоч”, “Эгизбулоқ” маҳалла фуқаролар йиғинларида тузилган ишчи гуруҳларининг фаолиятига танқидий баҳо берилди.

\* \* \*

Бухоро вилояти маҳаллаларида тузилган ишчи гуруҳларининг самарали фаолият кўрсатиши учун қўлайликлар яратиш чоралари кўриляпти.

— Вилоятимизда 540 та ишчи гуруҳи тузилган, — дейди Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси котиби Акмал Қозоқов. — Яқинда улар учун семинар-тренинг ўтказилиб, “Услубий тавсиялар” тўплами тарқатилди. Ишчи гуруҳлари томонидан маҳалла раиси (оқсоқоли) лавозимига номзодлар рўйхатини шакллантириш мақсадида жойларда аҳоли билан учрашувлар ташкил қилинди. Номзодларни

танлашда уларнинг нафақат олий маълумотга эгалиги ва тегишли ҳудудда доимий яшаётгани, балки ташкилотчилик қобилияти, тажрибасига катта эътибор қаратилди. Айни пайтда вилоят бўйича 540 та маҳалла раислиги учун 1946 нафар номзод танланди. Улар турли касб-кор эгаларидир. Лекин сайловчилар учун бу муҳим эмас. Асосийси, бўлгуси раис фаол, ташаббускор, эл-юрт қорига ярайдиган, одамлар ташвишини енгил қилишни дилига туккан, фидойи бўлсин.

Элёржон ЭХСОНОВ,  
Толибжон ЭРГАШЕВ,  
Истам ИБРОҲИМОВ  
(«Халқ сўзи»).

## «Ҳар икки йилда ўтказиладиган бу фестивални энди орзиқиб кутамиз»

Халқаро бахшичилик санъати фестивалида дунёнинг кўплаб мамлакатлари қатори Хитой Халқ Республикасидан ҳам вакиллар иштирок этди. Куйида уларнинг бетакрор халқаро маданий анжуман ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

Чжоу МИНГЯНГ,  
«Цзинцзи Жибао» газетаси мухбири:

— Халқаро бахшичилик санъати фестивали биз каби дунёнинг турли мамлакатларидан келган меҳмонлар, журналистлар ва санъат аҳли учун жуда ажойиб мулоқот майдони бўлди. Айниқса, фестивал доирасида ташкил этилган “Жаҳон цивилизациясида бахшичилик санъатининг ўрни” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияда маданий меросни асраб-авайлаш ва уни кенг миқёсда тарғиб қилиш бўйича долзарб фикрлар билдирилди.

Анжуман юксак даражада, ўзига хос, миллийлик руҳида ташкил этилди. Шу жихатлар барчамизнинг чинакам ҳайратимизни оширди. Хар икки йилда ўтказиладиган бу фестивални энди орзиқиб кутамиз.

Менг СИАНГГУО,  
Шаньси провинцияси маданият ва сайёҳлик департаменти бош директори ўринбосари:

— Энг аввало, Хитой маданий гуруҳи аъзолари номидан Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тақлиф қилгани учун Ўзбекистон томонига миннатдорлик билдиришни истар эдим.

Биз серкўёш диёрга ташриф буюриб, фестивалнинг жуда ажойиб, юқори даражада ташкил этилганига, ўзбек халқининг нақадар меҳмондўст эканлигига гувоҳ бўлдик.

Ҳақиқатан ҳам, анжуманнинг очилиш маросими, унда ўзбек санъаткорлари томонидан намойиш этилган маданий дастур барчамизда унутилмас таассурот қолдирди. Санъат анжуманида хорижлик ҳамкасбларимиз билан яхши дўстона алоқаларни ўрнатиш учун ажойиб имконият яратилганидан



Шухрат УМИРОВ,  
«Дунё» АА мухбири.  
Пекин

мамнунимиз. Кўхна Термиз бетакрор халқаро маданий анжуман шахри сифатида ҳам хотирамизга муҳрланди.

Фурсатдан фойдаланиб, ўзбекистонлик санъаткорларни Хитойда бўлиб ўтадиган “Ипак йўли” халқаро санъат фестивалига тақлиф этамиз. Бу анжуман ҳам Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро маданий ҳамда сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорлик ривожига муносиб ҳисса қўшиши, шубҳасиз.

## Ҳиндистонлик машҳур дизайнернинг Ўзбекистонга бағишланган коллекцияси

Дехли шаҳрида бўлиб ўтган “The Delhi Times Fashion Week — 2019” модальар ҳафталигида машҳур ҳинд дизайнери Риту Берининг Ўзбекистонга бағишланган махсус коллекцияси намойиш этилди. “Фарғона жозибаси” деб номланган ушбу либослар тўпламини яратишда Фарғонадан келтирилган хонатлас, адрас каби газламалардан фойдаланилган.

## Тақдимот

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси матбуот хизмати хабарига кўра, тақдиротда маданият ва санъат арбоблари, дипломатик корпус вакиллари, таниқли моделлар ҳамда киноюлдузлар иштирок этди.

“Мазкур тақдимотга ўзгача

иштиёқ билан тайёргарлик кўрдик. Тақдим қилинган либосларда ўзбек ва ҳинд миллий аънавларини уйғунлаштирган ҳолда, мамлакатларимиз ўртасидаги тарихий дўстона алоқалар, маданий яқинликни акс эттиришга

ҳаракат қилдик”, дейди дизайнер, Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги маданият ва туризм элчиси Риту Бери.

“Ўзбек миллий газламаларининг ёрқин жихатларини ўзида акс эттирган бугунги тақдимот иштирокчиларда чуқур таассурот қолдирди. Бугун Ўзбекистоннинг улкан ва серқирра маданий салоҳиятини ўзим учун кашф қилдим”, дея ўз таассуротлари билан ўртоқлашди машҳур ҳинд актрисаси Дивия Хосла Кумар.

Бу каби тadbирлар Ўзбекистоннинг маданий салоҳиятини

кенг тарғиб этиш, икки дўст мамлакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш билан бирга, юртимизга келадиган ҳиндистонлик сайёҳлар сони кўпайишига ҳам хизмат қилади.

Ҳиндистонлик туризм блогери Каран Бхарвах эътироф этганидек, “Эксклузив коллекция намойишида қатнашган ҳар бир кишида Ўзбекистонга ташриф буюриш ва унинг маданий меросидан бевосита баҳраманд бўлиш иштиёқи пайдо бўлгани, шубҳасиз”.

Нодирбек ИБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

## Ғамхўрлик

## Спортсевар ёшларга Президент тўхфаси

Бухоро шаҳридаги “Семурғ” мажмуасида вилоятдаги ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактабларига Президентимиз совғаси — умумий қиймати 3,6 миллиард сўмдан зиёд бўлган 310 турдаги спорт жиҳозлари ва анжомлари топширилди.

— Давлатимиз раҳбарининг ёшлар таълим-тарбияси учун яратилган шарт-шароитларни янада яхшилаш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш каби олижаноб мақсадларни қамраб олган бешта ташаббуси доирасида амалга оширилган бу эзгу иш қучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшади, албатта, — дейди Когон туманидаги ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори Нодир Жумаев. — Давлатимиз томонидан болалар спортини ривожлантиришга нақадар катта эътибор қаратилаётганини биз ўз фаолиятимиз мисолида кўриб, ҳис этиб турибмиз. Ўтган йили мактабимиз биноси 3,3 миллиард сўм маблағ эвазига реконструкция қилинди. Айни дамда эса Юртбошимизнинг тўхфаси сифатида 420 миллион сўмлик спорт жиҳозларини қабул қилиб олдик.

Улар биз учун жуда қадрли. Чунки бокс ринги, кураш

ҳамда бадий гимнастиканинг халқаро стандартлар талабига мос гиламларига эҳтиёж сезаётгандик. Бундай ғамхўрликларга тарбияланувчиларимиз ҳам муносиб жавоб беришга киришдилар. Жорий йилнинг дастлабки чорагида тўрт нафар шогирдимиз Ўзбекистон чемпиони бўлди. 17 нафари совриндорлар қаторидан ўрин олди. Уч нафари эса халқаро мусобақаларда қувонарли натижаларга эришди.

Совғаларни топширишга бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда сўз олганлар Осиё, жаҳон миқёсидаги мусобақаларда юртимиз шаънини муносиб ҳимоя қиладиган спортчиларни тарбиялашда бу жиҳоз ва анжомлар жуда қўл келишини, билдирилган ишончини оқлаш йўлида тажриба ва маҳоратларини ишга солишларини таъкидладилар.

Ёш спортчиларнинг кўргазмали чиқишлари тadbирга ўзгача руҳ бағишлади.

Истам ИБРОҲИМОВ  
(«Халқ сўзи»).

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**POYTAXTBANK**

**«ПОЙТАХТ БАНК» АЖ**

**сервер ускуналари харида бўйича танлов эълон қилади!**

**Тақлифлар 2019 йилнинг 20 апрелига қадар топширилиши лозим.**

Техник талабларни куйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин:

**71-214-20-20, 97-757-55-95.**

100063, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислон Каримов шоҳқўчаси, 55-уй.

**E-mail: dit@poytaxtbank.uz**

**Хурматли тadbиркорлар!**

**«АСАКА» БАНКИ**

бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш учун куйидаги хорижий банкларнинг кредит линиялари маблағлари ҳисобидан кредитлар тақлиф этади:

- Коммерцбанк А.Г. (Германия);
- КФВ Ипекс банк (Германия);
- Ландесбанк А.Г. (Германия);
- Хитой Халқ Республикаси давлат тараққиёт банки;
- Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки — «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик секторини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида;
- Корея Республикаси Эксимбанки;
- Туркия Республикаси Эксимбанки;
- Халқаро тараққиёт агентлиги — «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида.

Маълумот учун телефонлар: 78-120-82-01, 78-120-82-09, 78-120-82-24, 78-120-82-62, 78-120-82-96, 78-120-86-83.

**«АСАКА» БАНКИ – тadbиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!**

www.asakabank.uz

Хизматлар лицензияланган.

**«AMKODOR-TASHKENT» МЧЖ ХК**

«AMKODOR», «САЛЕО», «AMKODOR-СЕМАШ» холдингларининг Ўзбекистон Республикасидаги расмий дистрибьютори

олд томонга йўналтирилган ва универсал юклагичлар

МТЗ базасидаги юклагичли экскаваторлар

занжирли ва гилдиракли юришдаги экскаваторлар

санчқили юклагичлар

**Европа сифатидаги техника ва жиҳозлар Ўзбекистонда**

галлани тозалаш ва саклаш учун мажмуалар

гидравлика

Маҳсулот сертификатланган.

Тел./факс: 71-283-42-18, тел.: 71-283-42-17. Моб.: 90-974-00-61, 90-974-00-81.

Ўзбекистон Республикаси, 100005, Тошкент шаҳри, 8 март кўчаси, 57-уй. E-mail: amkodortashkent@mail.ru, www.amkodor.uz, www.amkodor.by

Ушбу жойда **СИЗНИНГ** рекламанинг бўлиши мумкин эди!

**«Халқ сўзи»даги Реклама**

**бизнесингизни қўллаб-қувватлайди!**

Манзил: Тошкент ш., Матбуотчилар к., 32-уй. Тел.: 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklamax@mail.ru, reklama@xs.uz

**Халқ сўзи Народное слово**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 59 932 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Газетанинг ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
Девонхона 71-233-52-55;  
Котибхона 71-233-10-28; Ўзлонлар 71-232-11-15.

Тахриратта келган қўлашмалар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарибмайди.

Газетанинг сўзга берилиши учун олушни расмийлаштирилган ташкилот жавобгар.

Газета тахриратта компьютер терминали ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.  
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.  
Мусахҳас — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:  
Буок Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.55 Топширилди — 02.30 1 2 3 4 5 6